



MINISTRY OF
SPORTS
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ
ЕВРОПА КУРАШ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ
ФРАНЦИЯ КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ

ХКА РЕЙТИНГ ТИЗИМИ



КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ОЧИҚ ХАЛҚАРО ТУРНИР



ПАРИЖ, 21-23 ИЮЛЬ 2025

Хурматли курашчилар оиласи, қадрли дўстлар!

Европа кураш конфедерацияси, Франция Кураш Федерацияси ва Ўзбекистон Кураш Федерацияси номидан сизларни 2025 йил 21-23 июль кунлари дунёнинг энг гўзал ва илҳомлантирувчи шаҳарларидан бири Парижда, “Emil Anthoine Stadium” спорт мажмуасида кураш бўйича ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун очиқ халқаро турнирига таклиф қиламиз.

Сизлар билан Европанинг қоқ марказида, маданият, спорт ва илҳом тўқнаш келган шаҳарда севимли кураш спортимининг ҳақиқий байрамини нишонлаймиз. Яқинда Олимпия ўйинларига мезбонлик қилган Париж шаҳрида дунёнинг энг кучли полвонлари номи яна бир бор янграйди. Мазкур турнир дўстлик, ҳамжиҳатлик ва юксак спорт руҳи тимсолига айланади.

Кураш шунчаки спорт тури эмас. Бу маданият, тарих, урф-одатлар ва биринчи навбатда умумий қадриятлар билан бирлашган халқлардир. Шунинг учун сизни ушбу муҳим тадбирга қўшилишга таклиф қилишдан мамнунмиз.

Мазкур турнир курашни халқаро майдонда ривожлантириш ва оммалаштиришда муҳим қадам бўлиши билан бирга, турли мамлакатлар спортчилари учун ўз маҳоратини намойиш этиш, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва тажриба алмашиш учун катта имконият бўлади.

Делегациянгизни ва ҳар бирингизни ушбу муҳим тадбир иштирокчилари қаторида кўришдан чин дилдан хурсанд бўламиз. Ишончимиз комилки, сизнинг ҳиссангиз турнир учун муҳим, бу унга янада юксак мавқе ва аҳамият бағишлайди.

Халқаро кураш ассоциациясига ҳам ушбу нуфузли мусобақани бизга ишониб топширгани учун ташаккур деймиз.

Шунингдек, ушбу нуфузли турнирни ташкил этишга яқиндан ёрдам берган Франция Кураш Федерацияси ва Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасига самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ишончимиз комилки, бу турнир сизга ёқади! Парижга хуш келибсиз!



МЕРАМПИ ИЛИАДИС

**ЕВРОПА КУРАШ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ
ПРЕЗИДЕНТИ**



БАХТИЁР КАДИРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИНING
БИРИНЧИ РАИС ЎРИНБОСАРИ**

КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ОЧИҚ ХАЛҚАРО ТУРНИР
ПАРИЖ, 21-23 ИЮЛЬ 2025

МУСОБАҚА ТАШКИЛОТЧИСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ:



EMBASSY OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN IN REPUBLIC
OF FRANCE

Алоқа учун

Электрон почта
ukf.kurash@gmail.com

Мобил телефон
+998 91 586 43 79 | **+33 601181717**

Мусобақа ўтказиладиган жой:

Émile Anthoine спорт маркази



2 Суффрен, 75007
Париж, Франция



22 July
2025



Барча расмий ХКА аъзо
Миллий Федерациялар учун очик

КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ОЧИҚ ХАЛҚАРО ТУРНИР
ПАРИЖ, 21-23 ИЮЛЬ 2025

ВАЗН ТОИФАЛАРИ:

ЭРКАКЛАР

-90 кг
+90 кг

АЁЛЛАР

-70 кг
+70 кг

Гидам сони: **бир дона**

Аризаларнинг топшириш охириги муддати 1 июнь 2025 йил
CHARLES DE GAULLE Париж халқаро аэропортида жамоаларни

I. МАҚСАДЛАР

Мазкур халқаро турнирни ўтказишдан мақсад спортнинг кураш турини ривожлантириш, халқаро спорт алоқаларини кенгайтириш, спортчиларнинг спорт маҳоратини ошириш, шунингдек ҳурмат, олийжаноблик ва адолатли кураш рамзи сифатида кураш фалсафаси ва қадриятларини оммалаштириш орқали мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаштиришдан иборат.

Жаҳон маданияти ва спорти марказларидан бири бўлган Парижда мазкур турнирни ўтказилиши курашни халқаро майдонда кенг тарғиб этишга алоҳида аҳамият бериш, унинг жаҳон спорт ҳаракатидаги ўрни тобора ортиб бораётганини таъкидлашдан иборат.

ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ ЖОЙИ ВА САНАЛАРИ

Emil Antuan
спорт мажмуаси



2 Суффрен, 75007
Париж, Франция



2025 йил
22 июль

III. МУВОФИҚЛИК

Миллий кураш федерацияси вакили бўлган иштирокчилар сони **ҲАР ВАЗН тоифасида ФАҚАТ ИККИ НАФАР СПОРТЧИ (2 ЭРКАК ва 2 АЁЛ) БЎЛАДИ**, мезбон давлат ҳар бир вазн тоифасида 4 нафардан спортчи рўйхатдан ўтказиши мумкин (4 эркак ва 4 аёл). Барча спортчилар турнирда вакиллик қиладиган мамлакат фуқаролари бўлиши керак. Мусобақада фақат ХКАнинг расмий аъзолари иштирок этиши мумкин.

**КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ОЧИҚ ХАЛҚАРО ТУРНИР
ПАРИЖ, 21-23 ИЮЛЬ 2025**

IV. ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗА ТОПШИРИШНИНГ МУДДАТИ

Белгиланган муддатга (2025 йил 1 июнь) ариза ва саёхат жадвалини тақдим этмаган федерациялар иштирок этишга рухсат берилмайди. Илтимос, № А ариза шакли № В саёхат жадвали шакли (илова қилинган)

Илтимос, аризангиз билан бирга паспортингизни ва рангли фотосуратингиз (3x4) нусхаларини сканерланг ва қуйидаги электрон почта манзилига юборинг:

V. ҚУРЪА ТАШЛАШ

Қуръа ўтказиш вақтида ХКА қонун ва қоидалари қўлланади.
(Олимпия тизими бўйича)

VI. PROGRAM

Душанба 21.07.25	-----	Келиш	Халқаро аэропорт Sharl De Gol
	14:00 – 16:00	Спортчиларни рўйхатдан ўтказиш Аккредитация (бейджик тарқатиш)	IBIS меҳмонхонаси
	16:00 – 17:00	Яктак тарқатиш	
	17:00 – 17:30	Норасмий вазн ўлчаш	
	17:30 – 18:00	Расмий вазн ўлчаш	
	18:00 – 18:30	Техник йиғилиш / Қуръа ташлаш	
	19:30 – 20:00	Ҳакамлар семинари	
	20:00 – 20:30	Спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар семинари	
Сешанба 22.07.25	07:00 – 09:00	Нонушта	
	10:00	Меҳмонлар ва турнир ташкилий қўмитасининг матбуот анжумани	
	14:30	Спорт мажмуасига жонаб кетиш	
	16:00 – 18:30	Саралаш	
	18:30 – 19:00	Очилиш маросими	
	19:00 – 20:00	Ярим финаллар/Финаллар	
	20:00 – 20:30	Тақдирлаш маросими	
Чоршанба 23.07.25	12:00	Аэропортга жонаб кетиш	Халқаро аэропорт Sharl De Gol

**КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ОЧИҚ ХАЛҚАРО ТУРНИР
ПАРИЖ, 21-23 ИЮЛЬ 2025**

VII. ТАҚДИРЛАШ

Мусобақа ғолиблари медал ва диплом билан тақдирланади.

Мукофот фонди: **€ 30 000**

ХКА РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

1-ўрин	€ 3 000	1-ўрин	200 балл
2-ўрин	€ 2 000	2-ўрин	100 балл
3-ўрин (2 спортчи)	€ 1 000	3-ўрин	50 балл

Ҳар бир вазн тоифасида фақат юқоридаги мукофот пуллари тўланади.

VIII. МУСОБАҚА ҚОИДАЛАРИ

Мусобақа Халқаро Кураш Ассоциацияси қонун ва қоидаларига мувофиқ ўтказилади. (S.O.R)

Қонун-қоидаларнинг инглиз тилидаги варианты Халқаро Кураш Ассоциациясининг расмий веб-сайтида мавжуд.

IX. МОЛИЯВИЙ ШАРОИТЛАР

Ташкилий қўмита томонидан бепул турар жой ва нонушта билан таъминланади, федерация расмий вакили ёки мураббий ва иштирокчи спортчилар учун 2025 йил 21 июльдан 23 июльгача икки кун.

Агар жамоа 1 нафар расмий шахс ёки мураббий, шунингдек 8 нафар спортчи билан қатнашса, мусобақа даврида ҳар бирига, кунлик (овқат пули) 40 евродан ҳар бир кун учун тўлаб берилади.

CHARLES DE GAULLE аэрапортидан кутиб олиш ва кузатиш, меҳмонхонадан спорт мажмуага олиб бориш ва қайтиш учун ташкилий қўмита томонидан транспорт билан таъминланади.

Ушбу мусобақада ХКАнинг бир юлдуз ва ундан ортиқ бўлган халқаро тоифадаги ҳакамлар иштирок этишлари мумкин. Иш куни учун уларга 75 евродан тўлаб берилади.

КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ОЧИҚ ХАЛҚАРО ТУРНИР ПАРИЖ, 21-23 ИЮЛЬ 2025

X. СУҒУРТА

Ташкилий қўмита делегатларининг ташрифи чоғида етказилаган ҳар қандай жароҳат ёки шахсий зарар учун жавобгар бўлмайди. Барча миллий федерациялар ўз делегатларини суғурта қилиш учун жавобгардир.

XI. ВИЗА ТАЛАБНОМАСИ

Барча иштирокчилар ўз мамлакатларида Франция визасини олиш учун ариза топширишлари керак, агар зарур бўлса, аризани 1 июнь кунига қадар электрон почтага жўнатиш керак: ukf.kurash@gmail.com

ОС виза олиш кафолатини бермайди. Виза учун барча харажатлар делегациялар томонидан қопланиши керак.

XII. МЕҲМОНХОНА МАЪЛУМОТЛАРИ



ВИП - “Novotel” меҳмонхонаси

Париж 14 Porte d'Orléans, 21 бульвар
Роман Ролан, 75014 Париж, Франция



Расмийлар, ҳакамлар, мураббийлар ва спортчилар - “IBIS” меҳмонхонаси

Париж Porte d'Orléans, 33 кўча Барбе, 92120 Монтруж

XIII. КУРАШ КИЙИМИ

Ўзбекистон Кураш Федерацияси халқаро мусобақада иштирок этувчи барча спортчиларни бепул кураш кийими (Яктак) билан таъминлайди.

Хуш келибсиз

*Барча дастурлар олдиндан хабар берилган ҳолда ўзгариши мумкин



**КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ОЧИҚ ХАЛҚАРО ТУРНИР**

www.kurash-ukf.uz